



## ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

Акмалжон Тешабаевич Исабаев

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги Халқ қабулхонаси мудир, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси “Конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, молия ва божхона ҳуқуқи” ихтисослиги бўйича мустақил изланувчи.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7505337>

### ARTICLE INFO

Received: 25<sup>th</sup> December 2022

Accepted: 04<sup>th</sup> January 2023

Online: 05<sup>th</sup> January 2023

### KEY WORDS

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, Халқ қабулхоналари, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, фуқаролик жамияти, мурожаат ҳуқуқи.

### ABSTRACT

Мақолада Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби борасидаги фикр-мулоҳазалар баён этилган. Шунингдек, Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлаш борасида қонунчиликка киритилаётган ўзгартиришлар, бу борада Халқ қабулхоналарининг ўрни тўғрисида фикрлар билдирилган.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида биринчи йўналиш қилиб Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш белгиланиб унга эришиш вазифасини қаторида Халқ билан мулоқотнинг механизмларини такомиллаштириш кўзда тутилган. Халқ билан мулоқот инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим воситасидир. Халқ билан мулоқот масаласига энди эътибор қаратаётганимиз йўқ. Айтиш мумкинки бу масала Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Президент лавозимига келган дастлабки кундан бошлаб, кун тартибининг асосий масаласига айланди. Президент Конституция қабул қилинганлигининг 24-йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги марузасида -“Бугун ҳаётимизнинг ўзи Конституциямизда ифодасини топган энг асосий мақсад инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда”деб кайд килган эди<sup>1</sup>.

Президентнинг эътироф этишларича мулоқот қилиш, халқни дардини эшитиш эътибордан четда қолган.

Аҳоли билан мулоқотда уларнинг мурожаатлари муҳим рол ўйнайди. Уларда илтимос ҳам, эътиром ҳам, туғён ҳам, норозилик ҳам, ишончсизлик ва ишонч ҳам мавжуд. Улар давлатни, давлат органларини эътиборини энг муҳим ҳаётий муаммоларга қаратади Президент таъбири билан айтганда маъсулларни кўзини очади. Мамлакатимиздаги вазият таҳлил қилиниб 2017-йил Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб эълон қилинди. Амалга оширилган тадбирлар натижасида Президентнинг Халқ қабулхоналари, Виртуал қабулхоналар ташкил этилди,



мурожаатлар билан ишлашни тартибга солувчи қонунчилик такомиллаштирилди, натижада мурожаат эътиборсиз қолмайдиган тизим яратилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича стратегиясида қўйилган вазифаларни амалга ошириш натижасида фуқаролар билан ишлаш тизими, қонунчиликни такомиллашуви, мурожаатлар билан ишлаш механизми, мурожаатлар билан ишлашда янги йўналишлар мукаммаллашиб борди. Бу биринчи навбатда Президентнинг Халқ қабулхоналари фаолиятини такомиллаштириб боришида улар янги ахборот восита ва усулларида фойдаланиб аҳолини талаб, эҳтиёжларини қондиришга қўмаклашишда намоён бўлади. Халқ қабулхоналари фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқларини бекамикўст амалга оширилиши учун шароитлар яратиб, мурожаатларни тўлиқ, холис кўриб чиқиш учун фуқаро ва уларнинг вакиларини қабуллари мансабдор шахслар иштирокида ҳамда видеоконференция, сайёр қабул орқали ташкил қилмоқда. Халқ қабулхоналари мурожаат тушишини кутиб ўтирмай уйма-уй юриб муаммоларни аниқлаш тажрибаларидан кенг фойдаланмоқда. Шу асосда айрим муаммолар жойида ҳал булмоқда. Бу тажриба дунё миқёсида эътироф этилгани БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Судялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маруза Диего Гарсия Саяншни қуйидаги “Халқ қабулхонаси ғоят ноёб механизм экан, кишилар ўз муаммоларини ечимини излаб пойтахтга овора бўлиб қатнашининг ҳожати йўқ. Бинобарин уларнинг ўз уйларида яқин манзилларда давлат муассасаларига мурожаат қилиш учун энг осон ва енгил имкониятлар муҳаё этилган. Бу ўз навбатида халқ билан давлат ўртасида самимий мулоқот, дўстона муносабат ўргатишига хизмат қилади. Афсуски, бундай ҳаётий ва демократик муассасалар Лотин Америкаси мамлакатларида ҳали мавжуд эмас. Ўзбекистон халқини ушбу улкан ютуқ билан қутлайман”<sup>2</sup> дегани бунинг далилидир. Хорижлик кузатувчининг бу сўзлари Президент Халқ қабулхоналари:

–фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тизимини ноёб механизми эканлигини:

-Кишилар ўз муаммоларини оворагарчиликсиз ортиқча харажатсиз ҳал қилиш имконияти эканлиги:

-Давлат органлари билан кишилар ўртасидаги мулоқот шакли эканлигини билдиради. Буларни умумийлаштириб айтсак Халқ қабулхонаси фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқларини таъминлашнинг энг кучли ва самарали воситасидир.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти ривожланиб бориши, жахон ҳамжамиятига қўшилиш натижалари фуқаролик манфаатларини ҳимоялашни кучайиб боришига олиб келмоқда ва мулоқот доираси кенгаймоқда. Жумладан: 2021-йил 27-апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги қонунинг янги таҳририда<sup>3</sup> фуқароларнинг Конституциявий сўзга шикоят қилиш ҳуқуқи белгиланди. Шунга кўра Конституциянинг 35-моддасида ҳар бир шахс ваколатли давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги; 44-моддада ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, ғайри қонуний хатти-ҳаракатлар устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга деган қонуни мавжудлигига қарамай Конституциявий суд фуқаролар мурожаатларини кўрмас эди. Бу эса Конституцияга зид ҳолат эди. Конституциявий суд тўғрисидаги қонуннинг янги мазмунига киритилган



ўзгартириш бу масалани ижобий ҳал қилди. У биринчидан, Конституциянинг устуворлигини, Конституциявий нормаларга амалга ошиши тaminланди. Иккинчидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминлаш кучайтирди. Учинчидан Конституциявий суд фуқаролар мурожаатларини кўриш-кўрмаслиги ҳақидаги илмий бахсларга чек қўйди.

Халқ билан мулоқот турлари усуллари чегара билмайдиган ижтимоий ходиса, унинг янги-янги шакллари, кўринишлари намоён бўлиб бораверади. Чунки бунга эҳтиёж бор. Бундан давлат ҳам, аҳоли ҳам манфаатдор бўлади. Мулоқотни тўғри йўлга қўйилиши давлатимиздаги энг муҳим масала- давлатга, ҳокимиятга халқ ишончини вужудга келтиради.

2021 – йилдан Президент ташаббуси билан ҳоким ёрдамчиси лавозими таъсис этилди<sup>4</sup>. Бундан кўзланган мақсад аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қискартириш, тадбиркорликни ривожлантириш эди. Аҳолини давлат органларига мурожаатларини таҳлили эса мурожаатларни кўпчилик қисми шу масалаларга тааллуқли эканлиги кўрсатади. Шу масалани жойида ҳал қилиш ёки шу жараёнга кўмаклашиш учун махсус давлат мансабдори лавозими ташкил этилиши эса биринчидан, мурожаатлар билан ишлашнинг янги механизмини жорий этиш бўлади. Иккинчидан, ҳоким ёрдамчилари аҳоли ва давлат органларини боғловчи восита бўлиб, бу мулоқотни янги ва самарали шакли ҳисобланади. Давлатни аҳоли билан мулоқоти вужудга келишида унга махсус “кўприк” вужудга келди. Президент қарори билан ташкил қилинган Республика вакиллари туман ва шаҳар ҳокимлиги ўринбосари билан бирга ҳоким ёрдамчилари фаолиятига кўмаклашиш белгиланиб улар ҳар куни биттадан маҳаллага чиқиши, камида 10 та хонадонга ташриф буюриши. мавжуд ҳолатни ҳоким ёрдамчилари билан ўрганиб, аҳолига давлат сиёсатини тушунтириб, аниқланган муаммоларни жойида ҳал қилиш ваколатларига киради. Шундан ҳам кўриниб турибдики, ҳоким ёрдамчилари фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашни янги механизми давлат ва фуқаро мулоқотини самарали воситасидир.

Айтиш мумкинки 2022-йил 8-ноябрдан кучга кирган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонун ҳам фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимига халқ билан мулоқотни кенгайтириши ва сифат жиҳатдан яхшиланишига олиб келади. Шу қонун талабларини бажариш ва Вазирлар Маҳкамасининг 2022-йил 14-октябрдаги “Давлат фуқаролик хизматлари томонидан одоб ахлоқ қондасига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги қоидаларни ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тегишли қарорлари ишлаб чиқилмоқда. Ана шу қарорларда комиссия давлат хизматчиларини хатти ҳаракатларига боғлиқ мурожаатларни ўрганиш белгиланмоқда. Айниқса давлат хизматчиларини шаъни, одоби, ахлоқи билан мурожаатларни махсус профессионаллик асосида ўрганиш умумий ишга фақат ёрдам беради. Шунинг учун бу тартиб мурожаатлар билан ишлаш тизимини янада мустаҳкамлайди.

2022-йил 2-ноябрдаги “Географик объектларини номлари тўғрисида”ги “Ўзбекистон қонунига ўзгартириш киритиш ҳақида” Қонуннинг ўзгартириш сабаблари қаторида кейинги йилларда “Инсон қадрини учун” тамойили асосида инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, халқ билан очик мулоқот механизмларини янада



такомиллаштириш, жамият ҳаётига оид муҳим ҳужжатларда жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда қабул қилиш амалиётини жорий этиш борасида изчил ислоҳатлар амалга оширилмоқда<sup>5</sup>, деган сўзлар қайд қилинди. Қонунда географик объектларига ном беришда маҳаллий аҳолининг фикрини инобатга олиш белгиланган бўлиб бу албатта фуқаронинг мурожаатлари (таклифлари фикрлари) ўрганиш назарда тутилади. Қайд қилинишича, конун шу жараёнда фуқаролар иштирокини ҳуқуқий асосларини яратишга хизмат қилади. Фуқароларнинг географик объектларга ном бериш бўйича ташаббусларини илгари суриш ваколатлари белгиланиши керак бўлади. Бундай ташаббусларни ҳаётга тадбиқ қилиш учун идораларда аҳоли яшаш жойларида ташаббускор гуруҳлар тузиб, аҳолини, жамоани фикрини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бу жараёнда хорижий мамлакатларда қўлланиладиган “плебицит” институтидан фойдаланиш мумкин.

Мақолани Ўзбекистон Республикаси Президенти қўйидаги сўзлари билан тугатсак (бу хулоса ўрнида) тўғри бўлар эди. “Халқ билан узлуксиз мулоқот ва инсон манфаатларини учун хизмат қилиш барча даражадаги раҳбарлар учун нафақат мажбурият балки ҳаётий тамойилга айланиш шарт”<sup>6</sup>.

## References:

1. Ш. Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъят билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. Ўзбекистон, 2019-йил, 1-том, 114-бет
2. Ўзбекистонда 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлар бўйича Ҳаракатлар стратегияси натижалари. Factbook, т. 2021-йил, 20-бет.
3. Қонунчилик миллий баъзаси 28.04.2021 йил, 03\21\687\0380-сон
4. “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қискартириш бўйича ҳоким ёрдамчилари фойятини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 2021-йил 3-декабрдаги ПҚ -31.
5. “Халқ сўзи” 2022-йил 3-ноябрь.
6. Ш. Мирзиёев Нияти улуғ халқининг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. “ Ўзбекистон ” 2019-йил, 3-том, 45-бет.